

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ХАДЖИМЕТОВ АБДУРАСУЛ АБДУГАФУРОВИЧ

**КАРДИОВАСКУЛЯР ПАТОЛОГИЯЛИ БЕМОРЛАРДА
ОСТЕОИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНИВА ГОМЕОСТАЗ
КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЎРГАНИШ АСОСИДА ДЕНТАЛ
ИМПЛАНТАЦИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТАШКЕНТ – 2021

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Хаджиметов Абдурасул Абдугафурович

Кардиоваскуляр патологияли беморларда остеоинтеграция ва
гомеостаз жараёнларини ўрганиш асосида дентал имплантация
самарадорлигини
ошириш.....

3

Хаджиметов Абдурасул Абдугафурович

Повышение эффективности денальной имплантации у пациентов
кардиоваскулярной патологией на основе изучения процессов
остеоинтеграции и показателей гомеостаза.....

26

Khadjimetov Abdurasul

Improving the effectiveness of dental implantation in patients with
cardiovascular pathology based on the study of osseointegration processes
and homeostasis
indicators.....

51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works

.....

55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ХАДЖИМЕТОВ АБДУРАСУЛ АБДУГАФУРОВИЧ

**КАРДИОВАСКУЛЯР ПАТОЛОГИЯЛИ БЕМОРЛАРДА
ОСТЕОИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНИВА ГОМЕОСТАЗ
КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЎРГАНИШ АСОСИДА ДЕНТАЛ
ИМПЛАНТАЦИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТАШКЕНТ – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/Tib571 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида www.tsd.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Дусмухамедов Дилшод Махмудович**
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Боймуродов Шухрат Абдужалилович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Юлдашев Носир Мухамеджанович
биология фанлари доктори, профессор

Jun Young Paeng
Professor (ЖанубийКорея)

Етакчи ташкилот: **Tokai central hospital**
(Япония)

Докторлик (DSc) диссертация химояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100047, Тошкент ш, Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси 103 уй, Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (99871) 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru

Докторлик (DSc) диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси, 103 уй. Тел.: (+99871) 230-20-65; e-mail: tdsi2016@mail.ru

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ тарқатилди.

(2019 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Қ.Хайдаров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Л.Э.Хасанова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

У.А.Шукурова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра... «...юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК), дунёда касалланиш ва ўлим ҳолатлари сабабчиси бўлган асосий сабаблардан хисобланади»¹. Интервенцион кардиологияни ривожланиши ва тери орқали коронар муолажалар ўтказилиш даражасини ортиб бориши билан 2 турдаги қандли диабетсиз беморларда 1987-1996йй 3,9% дан 2003-2009йй 2,2% гача, ҚД2 беморларда эса 11,1% дан 5,4% камайди (АСА/АНА: «Heart Disease and Stroke Statistics —2017 Update», 2017йй). Дентал импланталогия сўнгги йилларда алоҳида йўналиш сифатида жадал тарзда ривожланиб бормоқда, натижада тикловчи стоматологиянинг, жумладан тиш қаторлари нуқсонларини бартараф этишнинг сифатини оширишнинг янги имкониятлари очиб берилди. Стоматология амалиётига ушбу йўналишни тадбиқ этилиши натижасида ҳақиқий инқилобий ўзгаришлар рўй бериб, унинг асосий квазифаси нафақат тиш қаторларининг мавжуд бўлмаган элементларини тиклаш, балки эстетик ва функционал бутунлигини тиклашга имкон яратилди, бу эса беморларнинг ҳаёт сифатини оширишга олиб келди.

Жаҳонда соматик касалликлар мавжуд беморларда дентал имплантациядан сўнг турли асоратларни олдини олиш бўйича баъзи концепциялар ишлаб чиқилган. Баъзи муаллифлар берган маълумотларга кўра, «...миокард инфаркти, инсульт, юрак ва томирлардаги операциялар каби юрак-қон томир тизимидаги ҳодисалар имплантацион даволашга мутлоқ қарши кўрсатма бўлиб хисобланади»². Чунки, юрак ишемик касаллиги ва сурункали юрак етишмовчилиги, периферик атеросклероз каби юрак-қон томир касалликлари фибробластлар фаоллигини, коллаген синтезини, капиллярлар ўсишини ва макрофаглар фаоллигини сусайиши натижасида тўқималарни қон билан таъминланишини бузилиши ушбу муолажалар ўтказилишида салбий оқибатларга олиб келиши мумкин деган тахминлар бор. Бироқ, дентал имплантациянинг муваффақиятли кечиши аксарият ҳолатларда соматик касалликларга боғлиқ. Ушбу ҳолат дентал имплантология баённомаларини клиник баҳолаш учун тадқиқотлар ўтказилишини тақозо қилади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантиришга доимий ва алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада «...соғлиқни сақлаш тизимида ўтказилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида ушбу соҳага илғор ва рақамли технологияларни тадбиқ қилиш...»² белгилаб берилган. Аҳолига стоматологик ёрдам кўрсатиш тизимида ислохотлар ўтказиш «...янги ишланмаларни яратиш, ҳамда уларни ишлаб чиқариш

¹World Health Organization. Technical package for cardiovascular disease management in primary health care. WHO, 2016 Edition.

²Catauro, M. Silica/quercetin sol-gel hybrids as antioxidant dental implant materials / M. Catauro, F. Papale, F. Bollino, S. Piccolella, S. Marciano, P. Nocera, S. Pacifico // Sci. Technol. Adv. Mater. - 2015. - Vol. 16 (3). - P. 035001.

² Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-4847 от 02 октября 2020 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы государственного управления сферой здравоохранения».

соҳасига йўналтириш ва амалга ошириш ...»³устивор йўналишлардан бири саналади. Шунлай экан, стоматологик касалликларни барвақт аниқлаш ва самарали даволаш масалалари долзарб муаммо бўлиб қолмоқда ва улар илмий-тадқиқот ишланмалар тадбиқ этишни тақозо қилади.

Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071 сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652 сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.Маълумки, комбинацияланган патология мавжудлигида тиш имплантациясининг узоқ муддатли охибатлари учун имплант соҳасидаги пародонт ва альвеоляр ўсиқ суяк тўқимасидада кечувчи турли жараёнларни ҳолатини динамик баҳолаш муҳимдир [Мишченко О. Н. ва бошқ., 2019; Котелников Г. Р. ва бошқ., 2019]. Тиббий визуализациянинг замонавий усуллари, хусусан, нур диагностикаси юқори информатив бўлиб, юмшоқ тўқималар ва суякларда мавжуд морфологик ўзгаришларни қайд этиш имконини беради. Дентал имплантацияда асоратларни эрта ташхислаш ва остеоинтеграция жараёнларини, жумладан суяк тўқимаси метаболизмини баҳолаш мезонлари сифатида биокимёвий маркерлар муҳим ўрин тутиб, улар морфологик ўзгаришлардан аввалроқ намоён бўлади.

Сўнгги йиллардаги адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, бир қатор биомаркерлар ва уларни тиш имплантациясидан кейин остеоинтеграция жараёнларини кузатиш учун улардан фойдаланиш алгоритми, айниқса пародонт ва юрак-қон томир тизимининг қўшма патологиясидақўллаш усуллари ханузгача ишлаб чиқилмаган. Шундай экан, бунда имплантатни тушиб қолиш хавфини олдини олишга имкон берувчи адекват муддатлар ва даволаш, профилактика имкониятлари камаяди. Суяк тўқимасида модда алмашинувининг хусусиятлари ҳақида тўлиқ маълумотлар йўқлиги, юрак-қон томир тизими касаллиги бўлган беморларда альвеоляр ўсиқ суяк зичлигининг хусусиятлари, остеоинтеграция касалликларини эрта ташхислаш ва тиш имплантациясининг асоратларини олдини олиш учун ушбу параметрларнинг

³Закон РУз «Об инновационной деятельности» является создание новых разработок, а также обеспечение их передачи и реализации в сфере производства»

мураккаб ўзаро боғлиқ хусусиятларининг диагностик қиймати ушбу тадқиқотнинг зарурлигини аниқлади.

Кардиоваскуляар тизим касалликлари мавжуд беморлар альвеоляр ўсик суяк зичлиги оптик зичлиги, суяк метаболизми хусусиятлари, дентал имплантация асоратларини олдини олиш ва остеоинтеграция бузилишларини эрта ташхислаш учун кўрсатилган параметрларнинг ташхисий аҳамияти тўғрисида батафсил маълумотларни йўқлиги ушбу йўналишда тадқиқотлар ўтказишни тақозо қилади.

Диссертация мавзуси бўйича ҳалқаро илмий тадқиқотлар шарҳи³. Йўлдош патология мавжуд беморларда стоматологик ёрдам сифатини ошириш, ташхислаш ва комплекс даволашга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: University of Miami Hospital and Clinics (США), University Paris-Est (Франция), Peking University Third Hospital (Хитой), An-Institute, RWTH Aachen University, (Германия), The Royal London Hospital, Barts Health NHS Trust (Буюк Британия), University Vita-Salute (Италия), Experimental Surgery Education and Research Center (Туркия), Seoul National University Hospital (Корея), в University of Geneva (Швейцария), Heidelberg University (Германия), SSR-Stem Cell Biology Laboratory, L V Prasad Eye Institute (Hyderabad, India), Дипломдан кейинги таълим Беларусь тиббиёт академияси, Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон) ва Тошкент давлат стоматология институт ива бошқалар (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Кардиоваскуляар патологиялар эпидемиологияси, таснифи, хавф омиллари, даволаш ва олдини олиш масалаларига қатор илмий ишлар бағишланган (Epidemiology and Genetics Service, Tufts University School of Medicine and Tufts Medical Center, Англия), стоматологик касалликлар хавф даражаси, жумладан соматик патологияли беморларда асоратларни келиб чиқиши хавф омиллари баҳоланган (University Vita-Salute, Италия), дентал имплантацияда остеоинтеграция бузилишларни авж олиш хавф омиллари ва турли модуллари ўрганилган (University of Bordeaux, Inserm, Bordeaux Population Health Research Center и University Paris-Est, Франция), дентал имплантация ва тизимли касалликлар ўртасида алоқалар таҳлил қилинган (Department of Epidemiology and Welch Center for Prevention, Epidemiology, and Clinical Research, Bloomberg School of Public Health, Johns Hopkins University, США), асоратларни эрта аниқлаш ва даволаш йўллари ва усуллари ишлаб чиқилмоқда (Евдокимов номидаги Москва давлат тиббий-стоматология университети, Россия).

Жаҳон адабиётларида дентал имплантациядан кейинги асоратларни келиб чиқиш хавф омилларининг ўрни, уларни келиб чиқиш механизмларини

³Халқаро илмий тадқиқотлар таҳлили қуйидаги манбалардан фойдаланган холда амалга оширилди: www.pubmed.com, welcome.miami.edu, www.uic.edu, www.yokohama-cu.ac.jp, www.eco.unicamp.br, www.asu.edu.eg, www.umlub.pl, www.ulsan.ac.kr, www.units.it, www.uniud.it, www.uni-marburg.de, www.hu-berlin.de, www.mountsinai.org, www.BMJ, www.heidelberg-university, unige.it, www.aiims.edu, www.evms.edu, www.isciii.es, www.arizona.edu, www.uh.edu, www.uab.edu, www.hopkinsmedicine.org, optometry.osu.edu, www.uni-heidelberg.de, www.univ-agadez.edu.ne, www.umb.edu.pl, www.ucl.ac.uk, www.ninds.nih.gov, www.utoronto.ca, www.aub.edu.lb, www.medline.ru, www.medscape.com/ophthalmology, visionscience.com, www.retina.org/retina, elibrary.ru, medlib.ws, www.medlit.ru, www.rmj.ru, mntk.ru, www.ophtal.org, www.retinajournal.com, www.bjophthalmol.com, www.eyeworld.org, www.aoj.org, www.djo.harvard.edu, webofscience.com, pubmed.com, www.dissercat.com, www.elsevier.com. и выполнен на основании других источников

ўрганишга қаратилган изланишлар давом этмоқда, уларнинг аксариятида мультифакториал ва полиэтиологик омилларни ўрни ҳақида, ҳамда тиббий ёрдамнинг барча босқичларида самараси ошириш тўғрисида мулоҳаза юритилади. Шундан экан, ушбу патологияли беморларда даволаш-профилактика ёрдамни такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш замонавий имплантологиянинг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ №011400198«Оғиш бўшлиғи шиллиқ қавати ва пародонт, тиш касалликларини ташхислаш, даволаш ва профилактикасининг рационал усулларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш»мавзуси доирасида бажарилган

Тадқиқотнинг мақсади кардиоваскуляар тизим касалликлари мавжуд беморларда дентал имплантация операциясига тайёрлаш босқичларини такомиллаштириш ва дентал имлантация самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кардиоваскуляар патологияли беморларда дентал имплантациядан сўнг асоратлари омилларини аниқлаш;

пародонт патологияси негизида кечувчи яллиғланиш-деструктив жараёнлари мавжуд беморларда биомаркерларнинг ташхисий аҳамиятини аниқлаш;

кардиоваскуляар тизим касалликлари мавжуд беморлар дентал имплантациядан олдин оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ва оғиз суюқлигида метаболик тизимлар ҳолатини белгиловчи биокимёвий маркерларни баҳолаш;

кардиоваскуляар тизим патологияси билан бирга кечувчи пародонтит билан оғриган беморларда периимплантит ривожланишида томир ва коагуляцион гемостаз бузилишлари предикторларини аҳамиятини аниқлаш;

дентал имплантацияга тайёргарлик босқичида периимплантат соҳада юзага келувчи яллиғланиш-деструктив жараёнларни аниқлашда юрак-қон томир тизими касалликлари мавжуд беморларда суяк метаболизми маркерларини аҳамиятини аниқлаш;

дентал имплантация асоратларини олдини олиш ва имплантат остеинтеграция муддатларини оптималлаштиришга қаратилган даволаш-профилактика тадбирларни такомиллаштириш чоралари комплексини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида 40 дан 60 ёшгача бўлган 109 юрак-қон томир тизими касалликлари бўлган ва дентал имплантацияга ўтказилган беморлар.

Тадқиқот предмети сифатида кардиоваскуляар патологияли беморларда қон зардоби ва сўлақда яллиғланиш омиллари, оксидланувчи стресс, эндотелиал дисфункция, метаболик синдром компонентлари ва остеогенез жараёни кўрсаткичларини олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларда умум клиник, биокимёвий (яллиғланиш омиллари, эндотоксемия, оксидланишли стресс омилларини баҳолаш), иммунологик (комплемент компонентлари, суяк тўқимаси предикторлари), гемостазиологик (томир-тромбоцитар ва прокоагулянт тизим) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор кардиоваскуляр патологияли беморларда дентал имплантациядан олдин ва кейин остеоинтеграция жараёнларини клиник ва лаборатор намоён бўлишининг ўзига хослиги аниқланган;

илк бор кардиоваскуляр тизим патологиялар мавжуд беморларда дентал имплантациядан олдин ва кейин қон маркерлар динамикасидаги ўзига хосликлар илмий исботланган;

илк бор кардиоваскуляр тизим патологиялар мавжуд беморларда дентал имплантациядан олдин ва кейин сўлакдаги биокимёвий маркерлар динамикасидаги ўзига хосликлар илмий исботланган;

илк бор кардиоваскуляр тизим патологияси мавжуд беморларда дентал имплантацияда стоматологик статусда кузатилувчи асоратларнинг патогенезининг ўзига хослиги аниқланган.

кечки (6-12 ой) муддатларда кардиоваскуляр патологияли беморларда дентал имплантат функцияси бузилишини олдини олиш ва даволашда клиник ва лаборатор далилларнинг аҳамияти исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кардиоваскуляр тизим касалликларини пародонтит ва адентия билан бирга кечиши мавжуд беморларда дентал имплантациядан олдин ва кейинги соғломлаштириш чора-тадбирлари алгоритми такомиллаштирилган.;

дентал имплантациядан кейинги атроф тўқималаридаги репаратив жараёнларни даволаш босқичма-босқич мониторингни такомиллаштирилган.;

оғиз суяқлигини аналитик мақсадларида қўлланилиши асосида персоналлашган тиббиётни превентив, предиктив ривожлантириш мақсадида лаборатор-диагностик тадқиқотларни кенгайтириш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилигитадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник,стоматологик, клиник-функционал, рентгенологик, биокимёвий ва статистик таҳлил усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, кардиоваскуляр касалликлар негизида дентал имплантация ўтказилган беморларда функционал ва метаболик бузилишларни ташҳислаш ва комплекс даволашни такомиллаштириш бўйича олиб бориш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижа ва хулосалар кардиоваскуляар патология мавжуд беморларда дентал имплантация босқичларида альвеоляр ўсимта суяк тўқимаси ҳолатини ўрганиш учун назарий аҳамиятга эга бўлиб, ушбу тоифа беморларда дентал имплантация ўтказишда стоматологик асоратлар патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, кардиоваскуляар тизим касалликлари мавжуд беморларда дентал имплантациянинг нохуш натижаларини лаборатор маълумот берувчи маркерлар таклиф этилди, дентал имплантация босқичларида комплекс лаборатор мониторинги ишлаб чиқилди. Кардиоваскуляар патологияли беморларда дентал имплантациядан кейин динамик кузатувлар янги тактик мезонлари аниқланиб, улар суяк тўқимасидаги субклиник яллиғланиш ҳолатларини ташхислаш ва башоратлашга ва ушбу тоифа беморларида дентал имплантациядан кейинги турли эҳтимолий асоратларни олдини олиш ва мақсадли соғломлаштириш чора-тадбирлари алгоритми такомиллаштирилганлиги тиббий стоматологик ёрдам кўрсатиш ҳолатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кардиоваскуляар патологияли беморларда дентал имплантация самарадорлиги ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кардиоваскуляар патологияли беморларда тиш имплантация асоратларни ривожланиши асосида ишлаб чиқилган «Кардиоваскуляар тизим касалликлари мавжуд беморларда дентал имплантат билан протезлашда асоратларни келиб чиқишининг хавф омиллари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 октябрдаги №8н-р/949-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома кардиоваскуляар патологияли беморларда имплантация асоратларни хавф омилларини аниқлаш ва баҳолашга хизмат қилган;

кардиоваскуляар патологияли беморларда периимплантит кузатилган ҳолатда томир асоратларини текшириш асосида ишлаб чиқилган «Кардиоваскуляар тизим патологияси билан бирга кечувчи пародонтит билан касалланган беморларда перимплантит ривожланишида томир бузилишларнинг предикторлик роли» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 октябрдаги №8н-р/950-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома кардиоваскуляар патологияли беморларда томир асоратларини аниқлашнинг предикторлар ролинини аниқлаш ва ва келиб чиқадиган асоратларини олдини олишга хизмат қилган;

кардиоваскуляар патологияли беморларда тиш имплантанти барқарорлигини суяк дефицити ҳолати асосида ишлаб чиқилган «Кардиоваскуляар тизим касалликлари мавжуд беморларда суяк тўқимаси дефицитида тиш имплантациясига дифференциал ёндошиш» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 октябрдаги №8н-р/951-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома

кардиоваскуляр патологияли беморларда дентал имплантацияга дифференциал ёндошиш орқали унинг самарасини оширишга ва ва келиб чиқадиган асоратларини олдини олишга хизмат қилган;

Кардиоваскуляр патологияси бор беморларда тиш имплантациясини клиник-патогенетик асослаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан Тошкент давлат стоматология институти клиникаси, Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги қошидаги стоматология поликлиникаси, Тошкент шаҳри 1- стоматологик поликлиникаси амалиётларига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 13 декабрдаги 8н-з/545-сонли хулосаси). Тадбиқ этиш натижасида асоратларни башоратлашни такомиллаштириш, хавф гуруҳларини аниқлаш, диспансеризация сифатини ошириш, соғлиқни сақлашнинг турли тизимлари ўртасида интеграцияни йўлга қўйиш, профилактик чоралар самарасини ошириш, иқтисодий самарадорликка эришишга ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 186 бетни ташкил этган

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кардиоваскуляр тизим касалликлари мавжуд беморларда дентал имплантация натижаларини яхшилаш йўллари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида дентал имплантация истиқболлари ва ечими топилмаган муаммоларга бағишланган манбалар таҳлил қилинган. Сурункали соматик патологияли беморларда сўлакдаги метаболик стутусни баҳолаш натижалари батафсил баён қилинган, Сурункали соматик патологияли беморларда альвеоляр суяк резорбциясини даволаш ва

олдини олиш бўйича замонавий адабиёт маълумотлари алоҳида тақдим қилинган.

Диссертациянинг «Тадқиқот материали ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида фойдаланилган материаллар ва тадқиқот усуллари тавсифланган. Ушбу тадқиқот 2014-2020 йй олинган натижаларга асосланган бўлиб, жами 40-60 ёшдаги 109 та сурункали тарқалган пародонтит (СТП) белгилари мавжуд беморлар текширилди. Тадқиқот вазифаларидан келиб чиққан ҳолда 3 та гуруҳ шакллантирилди:

I гуруҳ – АГ ва ЮИК, I-II функциональ синфдаги (Канада таснифи бўйича) зўриқиш стенокардияси негиздаги 50 та сурункали тарқалган пародонтитли беморлар;

II гуруҳ – Юрак-қон томир тизими касалликлари бўйича даволаниш босқичларида бўлган адентияли АГ ва ЮИК негиздаги СТП мавжуд 34 та бемор (22 эркак ва 12 та аёл);

III гуруҳ – 40-60 ёшдаги юрак-қон томир тизими касалликлари бўлмаган пародонт патологияси мавжуд (СТП) 25 та бемор.

Беморларнинг асосий гуруҳи биз томондан ишлаб чиқилган пародонт тўқимасидаги яллиғланиш-деструктив жараёнларни даволаш ва олдини олишга қаратилган даволаш-профилактика комплекси, кардиоваскуляр патология профилактикаси ва гемостаз тизими кўрсаткичларини коррекциялаш ўтказилди. Ушбу қарор кардиолог шифокорлар билан келишилган ҳолда амалга оширилди. Бунда, кардиоваскуляр патологиялар хавфини камайтириш учун гиполипидемик препарат – аторвастатин (КРКА, Словения), Клексан 0,4 мл т/о, метронидазол хлоргексидин гели билан биргаликда қўлланилди. Имплант соҳасида суяк тузилмалари резорбцияси ва деструкциясини олдини олиш учун глюкозамин сульфат ва хондроитин сульфат натрия (Theraflex, Sagmel, Inc., США) қўлланилди. Препарат чиш учун қуйидаги схемада буюрилди: кунига 2 капсуладан 1500 мг глюкозамин сульфат ва 1200 мг хондротин сульфат. Даволаш курси 3 ойдан иборат бўлди, бироқ беморлар дентал имплантациядан олдин, анъанавий ёки комплекс даволашдан 14 кундан сўнг текширувдан ўтказилди. Қўшма патологияли беморларни комплекс даволашга бундай ёндошув перимплантация тўқималарида сурункали яллиғланиш ўчоқларини бартараф этишмақсадида, эндотелий дисфункциясини ва альвеоляр суякда деструктив ўзгаришларни олдини олиш учун дентал имплантациядан 14 кун олдин амалга оширилди. Барча беморлар дентал имплантациянинг жаррохлик босқичини амалга ошириш бўйича хулоса олиш учун кардиолог шифокорга маслаҳатга йўналтирилди. Беморларни операциядан олдинги босқичда текширишда умумклиник, рентгенологик, функционал ва лаборатор усуллар қўлланилди.

Беморларнинг умумий соматик статуси стационар текширувларнинг тиббий картаси бўйича баҳоланди. Барча беморларга ташхис қўйишдан олдин объектив текширувлар олиб борилди – сўров, ташқи кўрик, маҳаллий статусни ўрганиш, пальпация, зондлаш, йўналтирилган рентгенография. Стоматологик текширишлар пародонталь индекс GI (Н. Loe, J. Silness, 1964), коммуналь пародонталь индекс (СР1), РМА(С. Parma, 1960), ПИ (А. Russel, 1956);

гигиеник индеклар ОНІ-S (J. C. Green, J. R. Vermillion, 1964), РНР (Podshadley, Haley, 1968) ўз ичига олди. Милкларнинг қонаш даражаси Мюллеман индекси (Н. R. Muhlemann, 1971) Коуэлл (I. Cowell, 1975) модификацияси бўйича амалга оширилди.

Махаллий ва умумий иммунитетни баҳолаш учун нахорга қон ва аралаш сўлак олинди. С3, С5а комплемент компоненти кўрсаткичларини ва гаптоглобин, гомоцистеин миқдорларини аниқлаш учун «Mindray» анализаторида «HUMAN» фирмаси реактивлар йиғмаси ёрдамида баҳоланди.

Гематологик текширувлар «SYSMEXХТ 2000/» (Япония) автоматик гематологик анализаторини қўллаш билан амалга оширилди.

Суткалик сийдик таркибидаги кальций миқдори Гринблатт ва Хартман усули бўйича аниқланди.

Суткалик сийдикда ноорганик фосфор миқдори О.А.Боданский (1978) усули бўйича аниқланди.

Суткалик сийдикдаги эркин оксипролин миқдори П.Н.Шараева (2002) модификацияси бўйича Нейман ва Логан усули қўлланилди.

Қон зардоби ва аралаш сўлакдаги ІІ-ІВ, ІІ-бдефензина ва секретор иммуноглобулин А, остеокальцин ва остеомаатрикс деструкция махсулотлари «БиоХимМак» тижорий тест-системаларини қўллаш орқали иммунофермент усулда аниқланди.

Беморларда томирлар ичи гемализи маркери сифатида эркин гемоглобин миқдорини В.И Козловский ва А.В Акулёнок (2014) томонидан таклиф этилган усул қўлланилди.

Коагуляцион гемостаз омиллари - протромбин комплекси А.Ј.Quick (1957) (ПТИ); активлашган парциал тромбопластин вақти (АПТВ), тромбин вақти (ТВ) З.С. Баркагану, А. П. Момоту (1999) бўйича амалга оширилди.

Клиник ва лаборатор натижаларга «StatSoftStatisticav7.0» дастури ёрдамида статистик ишлов берилди.

«Шахсий текшириш натижалари ва улар муҳокамаси» номли диссертациянинг учинчи бобида 2014-2020 йй. да олиб борилган шахсий клиник ва лаборатор текширув натижалари баён қилинган.

Текширилган беморлар орасида окклюзия нуқсони 16 та беморда 1 та тиш, 78 та – 2-4 тиш, 10 шахсда – 5 ва ундан кўп тишларда кузатилди. Тишлар имплантация учун DENTIUM (Корея), MEGA'GEN «AnyOne» (Корея), SCHUTZdentalgroup «IMPLA» (Германия) фирмалари суяк ичи имплантатлари қўлланилди. Ортопедик даволаш металлокерамик якка қопламлар ва 1 ва ундан ортиқ имплантатлар асос хисобланган олинмайдиган тиш протезлашдан иборат бўлди.

Натижаларнинг клиник таҳлили шуни кўрсатдики, текширилган беморлар орасида ЛОР аъзолари касалликлари 28 шахсда (26.8%), аллергия реакциялар - 15 (14.0%), юқори ва паст қон босими - 84 (21.03%) кишида кузатилди. Юрак-қон томир тизими касалликлари эса барча беморларда аниқланди, сийдик ажратиш тизими касалликлари 27 (28,3%) беморда, ревматизм - 11 (10,7%), меъда - ичак йўли касалликлари - 74 (70,9%), қандли

диабет - 12 (10,3%), нафас олиш тизими касалликлари - 17 (16,5%) беморда, калқонсимон без патологияси-24 (23,1%) да аниқланди. Шу билан бирга, текширилган шахслар орасида ҳамкор соматик патологиянинг тарқалиши ўртача 47.5% га тенг бўлди.

СТПниЮИКбиланбиргакечишибўлганбеморлардапародонтдаяллиғлани шжараёнларияққолроқнамоёнбўлди. Таққослаш гуруҳида РМА индексининг ўртача қиймати 63% (таққослаш гуруҳида - 34%), Russel пародонтал индекси - ПИ =4.9) 0.3 (таққослаш гуруҳида - 1.4+0.1). Кузатув гуруҳидаги РВІқон кетиш индекси таққослаш гуруҳига нисбатан деярли уч барабар юқори (3.1 ва 1.1), аммо кузатиш ва таққослаш гуруҳидаги беморларда ОНІ-Сгигиена индексининг ўртача қийматлари бироз фарқ қилади: 2.5 ва 2.3. Кузатув гуруҳидаги гигиена индексларининг қийматлари таққослаш гуруҳига нисбатан статистик жихатдан юқори бўлди.

Аниқланган шикоятлар асосида, ЮИК мавжуд беморларнинг аксариятида милк қонаши аниқланиб, улар ушбу ҳолатни қониқарсиз гигиеник парвариш билан эмас, балки антиагрегант ва антикоагулянтлар қабул қилишлари билан боғлайдилар. Олинган тадқиқот натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики (1-жадвал) I гуруҳидаги кўпчилик беморларда милк қонаши (ўз-ўзидан, овқатланганда ва тишлаганда) 61% ни ташкил етган. II гуруҳ беморларида милк қонаши 83% да кузатилган.

1 жадвал

Беморларнинг шикоятлари

	I-гуруҳ n=50	II-гуруҳ n= 34	Таққослаш гуруҳин=25
Милк қонаши	31 (61%)	28 (83%)	6 (25%)
Оғриқ ҳисси (овқатни чайнаш, тишларни тозалашда)	26 (52%)	24 (71%)	4 (17%)
Тишларни қимирлаши	27 (54%)	23 (67%)	5 (18%)
Оғиз қуриши	31 (62%)	27 (78%)	10 (39%)
Тил ачишиши	15 (29%)	12 (34%)	5 (18%)
Оғиздан ноҳуш ҳид	38 (76%)	28 (84%)	11 (42%)

Овқатчайнашвақтидаватишларнитозлашдаоғриқҳисси кўпроқ 2 гуруҳбеморларида– 71% кузатилди. Тишларни қимирлаши тарқалган пародонтитнинг яна бир муҳим шикояти бўлиб, у I гуруҳда 54%, 2 гуруҳ беморларида эса 67% учради. Пародонтал чўнтакларни текшириш шуни кўрсатдики, I гуруҳ беморларида ПЧ ўртача чуқурлиги $3,7\pm 1,5$ мм II гуруҳда эса - $4,1\pm 0,3$ мм ни ташкил қилди. СРІТН индекси I гуруҳга нисбатан 2 гуруҳ беморларида юқорилиги жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибди. ОНІ-Синдекси хар икки гуруҳда ҳам юқори натижалар қайд қилинди. Пародонтни шикастланиш оғирлигини кўрсатувчи РІ индекси биринчи гуруҳда $3,9\pm 0,5$, иккинчи гуруҳда эса $4,1\pm 0,3$ ($p>0,001$) га тенг бўлди. Бунда ушбу индекс ЮИК

ва СТП бирга кечишида максимал натижалар қайд қилиниб, у 4,1 га тенг бўлди ва сурункали тарқалган пародонтитнинг ўртача оғир даражасига тўғри келади.

Текширув гуруҳларида пародонтал чўнтак микрофлорасининг миқдорий ва сифатий баҳоланди: *A. actinomycetemcomitans*, *P. gingivalis*, *T. forsythensis*, *P. intermedia*, *T. denticola*, ушбу микрообрагинзмлар тарқалган пародонтит келиб чиқишида муҳим аҳамият касб этади. II-гуруҳда *Porphyromonas gingivalis* (Pg) - 89% ва *Tannerella forsythensis* (Tf) 66% ҳолатда, *Tannerella intermedia* - 62% ва *Treponema denticola* 61% ҳолатда аниқланди. Юрак қон томир тизими касаликлари билан бирга кечувчи СТП да кўпроқ қуйидагилар учради: *Aggregatibacter actinomycetemcomitans* (Aa) - у 28%, назорат гуруҳида *Prevotella intermedia* (Pi) - 28%. Шундай қилиб, юрак-қон томир тизими касаликлари негизида кечувчи СТП билан касалланган беморларда у ёки бу даражада пародонт тўқимасини бактериал шикастланиши кузатилиб, бунда кўпроқ *Porphyromonas gingivalis* ва *Aggregatibacter actinomycetemcomitans* учрайди.

Умуман олганда, тадқиқот иштирокчиларининг тишлар ҳолатини индекс баҳолашига кўра, юрак-қон томир тизимидаги касалликлар билан бирга кечишида асосий стоматологик касаликлар билан бевосита пропорционалдир.

2 жадвал

Кардиоваскуляр патология негиза кечувчи СТП мавжуд беморларни дентал имплантацияга тайёргарлик даврида қон ва оғиз суюқлиги кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар		Кардиоваскуляр патологияси бўлмаган СТП беморларn=25	Кардиоваскуляр патологияли СТП беморларn=84
Интерлейкин-1	Қон, нг/мл	12,56±0,98	29,59±7,21*
	Оғиз суюқлиги, пг/ил	243,91±14,76	4896,54±24,68*
Дефензин	Қон, нг/мл	271,24±11,96	519,34±13,48*
	Оғиз суюқлиги, пг/ил	210,29±10,72	538,76±23,54*
S-IgA миқдори	Қон, мкг/мл	0,11 ± 0,01	0,22 ± 0,03*
	Оғиз суюқлиги, мкг/мл	179,20 ± 14,3	32,68 ± 2,47*

Изоҳ: *- P < 0,05 таққослашгуруҳиганисбатанишонарлифарқлар

Тадқиқотлар натижалари кўрсатишича (2-жадвал), касалликнинг бирга кечишида беморлар қонидасекреториммуноглобулин А миқдори 2 марта ортади, оғиз суюқлигида эса таққослашгуруҳи кўрсаткичлари ганисбатан ўртача 5,5 марта камайди.

ОғизсууюқлигидасекреториммуноглобулинАконцентрациясинингпасайишиму
козхимоянингиммунохолатинингпасайишиникўрсатади.

ОғизсууюқлигидагисекреториммуноглобулинАдинамикасигаасосланиб,
ушбуиндикаторнидаволашсамарадорлигинибаҳолашучунишлатишмумкинлиг
иникўрсатишмумкин

2-

жадвалдакелтирилганолингантадқиқотнатижаларинингтаҳлилиникўрсатишич
ақондаИЛ-1 микдоритаққослашгуруҳикўрсаткичлариганисбатан 2,4
мартаошганлигиникўрсатади. ОғизсууюқлигидаИЛ-

1ганисбатананиқроқўзгаришларқайдэтилди,
буердақўшмапатологиясибўлганбеморлардаунингмикдоридастлабкикўрсатки
чдан 20 мартагаошди. Буҳолаткучлияллиғланишжараёниниақсэттиради.

Шундайқилиб, оғизсууюқликS-
IgАконцентрациясикамайишимукозалтўсиқиммунохолатипасайишигавапарод
онтшилликқаватихимоявазифаларинибузилишигақўрсатади,

буҳолаткўпинчаюрак-
контомиртизимикасаллигинегизидагиСТПбиланоғриганбеморлардақайдэтил
ди. Юрак-

контомирпатологиясинегизидагиСТПбўлганодамлардақонваоғизсууюқлигида
юқоримикдордадефензинконцентрациясиучраб,

оғизшилликқаватиниетарлидаражадахимояқилишпотенциалибилантаъминла
йди. ҚондаИЛ-1

концентрациясинингтаққослашгуруҳикўрсаткичлариганисбатан 2,4
мартагаваоғизсууюқлигида 20 мартагаошишикузатилди,
буяллиғланишжараёнинингжадаллигиникўрсатади.

Диссертациянинг«**Кардиоваскуляртизимкасалликларимавжудбемор
лардақонваоғизсууюқлигинингметаболиккўрсаткичларихусусиятлари**»
номлитўртинчибобидатекширилганбеморлардаметаболикстатусниўрганишна
тижаларикелдирилган.

Маълумки,
суякметаболизминингмуҳимбелгилариданбириостеокальцинбўлиб,
уостеобластларваодонтобластлартомониданишлабчиқарилганковалентбўлмаг
анкальций-ионбоғловчиоксилдир.

Олингантадқиқотнатижаларинитаҳлилқилишшуникўрсатдики, 1
гуруҳидагибеморлардаоғизсууюқлигидагиостеокальцинмикдорибирозошди, 2
гуруҳидагибеморлардаэсаостеокальциннингўсишисезиларлидаражадаюқориб
ўлди - таққослашгуруҳинингкўрсаткичлариганисбатанўртача 26%
юқоринатижакузатилди.

Тадқиқотнатижаларинингқиёсийтаҳлилиникўрсатишича,
суткаликсийдикдаоксипролиннингажралишиасосийгуруҳдатаққослашгуруҳи
ганисбатаношишианиқланди. Шундайқилиб, 1-

гуруҳбеморларинингсийдигидаоксипролинкўрсаткичларидастлабкидаражаси
дан 14%, 2-гуруҳбеморларидаэсабукўрсаткичўртача $81,63 \pm 5,33$
ммол/лниташкилетди, таққослашгуруҳикўрсаткичларидан 38% юқорибўлди.

Шундайқилиб, комбинацияланган юрак-контмирпатологияси билан СТП билан оғриган беморлардасуяктўқималарининг метаболик ҳолатини комплекс баҳолаш натижалари асосий ва биргаликда патологиянинг оғирлиги га қараб альвеоляр суякни қайтатиқлашнинг тизимли бузилиши никўрсатади.

Тадқиқотларнинг кейинги босқичи дақонваоғиз суяқлиги да СТП ни комбинацияланган ЮИК бўлган беморларда организмнинг гуморал тизими ҳолатини ўрганиб чиқдик (4-жадвал).

3 жадвал

Денталимплантация гатай ёрғарлик босқичи да кардиоваскуляп тизим касалликларини авжуд беморлардасуяк метаболизми маркерлари кўрсаткичлар

и

Кўрсаткичлар	III гуруҳ (таққослаш) n=25	I-гуруҳ n=50	II-гуруҳ n= 34
Оғиз суяқлиги да ишқорий фосфатаза, Ед/л	28,98 ± 1,21	27,17 ± 1,14	25,02 ± 1,03*
Оғиз суяқлиги да остеокальцин, Ед/л	0,73 ± 0,05	0,81 ± 0,07	0,92 ± 0,08*
Сийдикдаги эркин оксипролин, мкмоль/л	59,17 ± 4,03	67,24 ± 4,89	81,63 ± 5,33*
Сийдикдаги кальций миқдори, ммоль/л	2,28 ± 0,19	2,59 ± 0,17	3,34 ± 0,21*
Сийдикда фосфор миқдори, ммоль/л	21,03 ± 1,42	23,58 ± 2,07	27,12 ± 1,62*

Изоҳ: *- P<0,05 таққослаш гуруҳини ба танишон арли фарқлар

Комплементар компонент тизимининг классик ўлини ўрганиш шуни кўрсатдики, сурункали пародонтит билан оғриган беморларда оғиз суяқлиги даги С3а комплемент компоненти юрак-контмир тизимика саллиги билан биргаликда кечувчи СТП да назоратганис батан сезиларли даражада ошади: беморларнинг биринчи гуруҳи да -1.9 марта, иккинчи гуруҳ беморлари да – 2,7 марта.

4 жадвал

ЮИК билан бирга кечувчи СТП авжуд беморларда комплемент компонентларини миқдори

	1 гуруҳ n=50	2 гуруҳ n= 34	Таққослаш гуруҳи n=25
С3а комплемент компоненти, (пг/мл)	68,32±5,35*	94,21±7,54*	36,01±2,34

С5а комплемент компоненти, (пг/мл)	5,73±0,11*	4,01±0,13*	8,12±0,43
С1-ингибитори, мкг/мл	15,56±1,18*	11,24±0,83*	32,58±2,76

Изоҳ: *- P<0,05 таққошлаштурухиганисбатан

Комплементар С3 Аконцентрациясининг ортиши гуморал тизимнинг фаоллашуви ва С3 компонентининг ажралишининг тезлашганини кўрсатади, унинг даражаси оғиз бўшлиғида ортиб боради.

СТП билан оғриган беморларнинг оғиз суяк лигидаги С5 А таркиби, юрак-контмир патологияси билан биргаликда гишаклида, аксинча, биринчигуруҳда 28%, иккинчигуруҳда - таққошлаштурухининг кўрсаткичлариганисбатан 2 мартага камайди.

Пародонтия лиғланишда С1 ингибиторининг миқдори биринчигуруҳ беморларида сўлакда 2 мартага, иккинчигуруҳ беморларида 2,9 мартага камайган.

Шундай қилиб, ЮИК негизда кечувчи СТП билан касалланган беморларда комплемент тизимининг паст даражасини кузатишимиз мумкин, бу эса нейтрофиллар фагоцитар фаоллигига таъсир қилиши мумкин.

5 жадвал

Дентал имплантацияга тайёргарлик босқичида кардиоваскуляр патология негизда кечувчи СТП беморларида томир эндотелийсининг тромборезистентлиги (даволашгача)

Кўрсаткичлар	I-гуруҳ n=25	II-гуруҳ n=34	III-гуруҳ n=50
Антитромбин-III манжетали синамагача, %	88,24±6,32	74,32±5,48	70,25±4,57*
Антитромбин-III манжетали синамадан сўнг, %	109,17±8,04	87,13±5,21	80,13±4,68*
Эндотелий антикоагуляцион индекси, шарт. бирл.	1,23±0,06	1,17±0,04	1,14±0,03*
XIIa-га боғлиқ фибринолиз, манжетали синамагача, сек.	614,61±13,7	690,8±12,53	752,98±12,51*
XIIa-га боғлиқ фибринолиз, манжетали синамадан сўнг, сек	389,41±11,9	403,1±12,56	421,07±13,28*
Эндотелий фибринолитик индекси, шарт. бирл.	0,63±0,04	0,57±0,03*	0,55±0,03*
Гомоцистеин миқдори, мкМоль/л	8,81±0,74	15,67±1,12*	17,23±1,57*
Қон зардобидидаги эндотелина-1 миқдори, мкМоль/л	1,64±0,13	4,67±0,32*	5,86±0,41*

Изоҳ: * - таққошлаштурухиганисбатанишон арли фарқлар (P<0,05)

Шунингдек, сурункали генерализацияланган пародонтитли беморларда юрак-қон томир патологияси билан биргаликда кечишида қон томир эндотелиал тромбози камайганлигини аниқладик, бу қон томир деворининг антикоагулянт фаоллиги индексининг $1,17+0,09$ шартл.бирл. га тенг бўлиб, 2 гуруҳда $1,14\pm 0,07$, 3 гуруҳда $0,57\pm 0,05$ шартл.бирл. камайиб қон томир деворининг фибринолитик фаоллиги индексининг камайиши билан бирга қон томир эндотелиал тромбоз камайиши билан ифодаланади. Текширилаётган шахсларда қон томир эндотелийсининг антикоагулянт фаоллигининг пасайиши қон томир деворининг эндотелиал хужайралари томонидан антитромбин III нинг чиқарилиши ингибирланиши билан намоён бўлади.

Кардиоваскуляр патология билан бирга кечувчи СТП мавжуд беморларда томир евори эндотелийсининг антикоагулянт фаоллиги пасайиши, бизнинг фикримизча, узоқ муддат давом этувчи яллиғланиш ўчоғида, яъни олинган тиш ёки пародонтал чўнтак соҳасида амалга оширилган иммун механизмлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Томир эндотелийси фибринолитик фаоллигини сусайиши t-PA тўқима плазминогена тўқима активатори синтезини камайиши билан боғлиқдир.

Маълумки, гомоцистеин цитотоксик аминокислота ҳисобланиб, унинг юқори миқдори гипергомоцистеинемия юзага келади, оқибатда эндотелий хужайраларига токсик таъсири рўёбга чиқади.

6 жадвал

Дентал имплантацияга тайёргарлик босқичида кардиоваскуляр патология негизида кечувчи СТП беморларида томир эндотелийсининг тромборезистентлиги (даволашдан сўнг)

Кўрсаткичлар	I- гуруҳ n=25	II-гуруҳ n=44	III-гуруҳ n=62
Антитромбин–IIIманжетали синамагача, %	88,24±6,32	76,52±5,83	86,7±6,13
Антитромбин-IIIманжетали синамадан сўнг,%	109,17±8,04	90,13±8,02	105,9±7,63
Эндотелий антикоагуляцион индекси, шарт.бирл.	1,24±0,11	1,18±0,08	1,22±0,07
XIIa-га боғлиқ фибринолиз, манжетали синамагача, сек.	614,6±13,7	662,1±14,14 *	621,4±13,8
XIIa-га боғлиқ фибринолиз, манжетали синамадан сўнг,сек	389,4±11,9	401,4±10,24	391,3±11,7
Эндотелий фибринолитик индекси, шарт.бирл.	0,63±0,04	0,61±0,03	0,63±0,03
Гомоцистеин миқдори, мкМоль/л	8,81±0,74	13,57±0,69*	9,42±0,64
Қон зардобидаги эндотелина-1 миқдори, мкМоль/л	1,64±0,13	3,89± 0,27*	2,01±0,17

Изоҳ: * - таққослашгуруҳиганисбатанишонларлифарқлар ($P<0,05$)

Тадқиқотларимизда 2 гуруҳ беморларида гомоцистеин даражасининг 1,8 мартага ошиши қайд этилган бўлса, 3 гуруҳ беморларида эса таққослаш гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 1,96 мартага ошиб кетди. Пародонт тўқимасида, хусусан, пародонтопатоген микрофлора ва атерогенез жараёнларини ўзгаришлари қон томирлари тромбозининг ривожланишига ҳисса қўшиши мумкин. Шунинг учун, юрак-қон томир касалликлари ва пародонт тўқималаридаги деструктив ўзгаришларни ўз вақтида олдини олиш учун, пародонт тўқимаси касалликлари ва бошқа иммун яллиғланиш касалликларини патогенетик асосланган даволаш усулини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагиларга биноан, клиник ва лаборатория тадқиқотлар бир қатортакомплекс даволашда тизимли дори фойдаланишни синаш учун юрак-қон томир патологияси негизида кечувчи СТП мавжуд беморларда тизимли таъсирга эга дори воситалари қўлланилди: аторвастатин, клексан, анаэробоцид восита ва хондропротектор.

Периимплант соҳаси тўқималарида сурункали яллиғланиш ўчоқларини бартараф этиш, эндотелиал дисфункцияни бартараф этиш ва альвеоляр суякдаги деструктив жараёнларнинг олдини олиш мақсадида комбинацияланган патологияли беморларни комплекс даволашнинг бу ёндашуви тиш имплантациясидан 14 кун олдин амалга оширилди. Клексанни комплекс даволашда қўллаш қон томир деворининг антитромбоген хусусиятларини яхшилашни таъминлади. Бу қон томир деворининг антикоагулянт ва фибринолитик фаоллиги индексларининг комплекс терапияни олмаган беморлар гуруҳидаги кўрсаткичларга нисбатан ошиши билан тасдиқланган.

7-жадвалда келтирилган тадқиқотлар натижаларидан кўришиб турибдики, текширилаётган беморларда оғиз суяқлигида гемостаз системаси кўрсаткичларининг сезиларли ўзгаришлари кузатилди. Шундай қилиб, оғиз суяқлигида прокоагулянтнинг ошиши ва фибринолитик фаолликнинг пасайиши аниқланди. Шу билан бирга текширилаётган беморларда оғиз суяқлигидаги гомоцистеин концентрациясини ҳам ошиши аниқланди.

